



МАМЛАКАТИМИЗДА ОИЛАВИЙ ТАДБИРКОРЛИККА АЖРАТИЛАЁТГАН КРЕДИТЛАРНИ СТАТИСТИК ТАҲЛИЛИ

PhD, доц. Сайфуллаев Сиддик Носирович
Тошкент давлат иқтисодиёт университети
ORCID: 0000-0002-6219-1661
sayfullayev1980@mail.ru

Доц. Мўминова Махбуба Абдувафаевна
Тошкент давлат иқтисодиёт университети
ORCID: 0009-0006-5025-4764
maxbubaabduvafayevna@gmail.com

Аннотация: Мақолада мамлакатимизда оилавий тадбиркорликни ривожлантиришга қаратилган дастурлар, ушбу дастурлар асосида соҳага ажратилаётган кредитларни статистик таҳлил қилиш усулларида бири бўлмиш мавсумийлик индекси ҳисобланган бўлиб, унда имтиёзли кредитларнинг асосий қисми қайси ойларга тўғри келиши ўрганилган. Ўтказилган статистик тадқиқотлар бўйича тегишли хулоса ва таклифлар берилган.

Калит сўзлар: оилавий тадбиркорлик, оилавий тадбиркорликни молиялаштириш манбалари, кредитлаш, имтиёзли кредитлар, давлат дастурлари, мавсумийлик, статистик таҳлил.

СТАТИСТИЧЕСКИЙ АНАЛИЗ КРЕДИТОВ, ВЫДЕЛЕННЫХ СЕМЕЙНОМУ ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСТВУ В НАШЕЙ СТРАНЕ

к.э.н., доц. Сайфуллаев Сиддик Насирович
Ташкентский государственный экономический университет
доц. Мўминова Махбуба Абдувафаевна
Ташкентский государственный экономический университет

Аннотация: В статье одним из методов статистического анализа программ, направленных на развитие семейного предпринимательства в стране, кредитов, выделяемых отрасли на основе этих программ, рассчитан индекс сезонности, изучено, в какие месяцы больше всего льготных кредитов приходится на. По проведенным статистическим исследованиям даны соответствующие выводы и предложения.

Ключевые слова. семейный бизнес, источники финансирования семейного бизнеса, кредитование, льготные кредиты, государственные программы, сезонность, статистический анализ.

STATISTICAL ANALYSIS OF LOANS ALLOCATED TO FAMILY BUSINESSES IN OUR COUNTRY

Ph.D, assoc. prof. Sayfullaev Siddik Nosirovich
Tashkent State University of Economics
assoc. prof. Muminova Makhbuba Abduvafaevna
Tashkent State University of Economics

Abstract. *In the article, using one of the methods of statistical analysis of programs aimed at developing family entrepreneurship in the country, loans allocated to the industry on the basis of these programs, a seasonality index is calculated, and it is studied in which months the most preferential loans are received. Based on the statistical studies carried out, relevant conclusions and proposals are given.*

Key words: *family business, sources of financing for family business, lending, soft loans, government programs, seasonality, statistical analysis.*

Кириш.

Жаҳон иқтисодиётдан бизга маълумки, кичик ва ўрта бизнесни ривожланишида оилавий тадбиркорликнинг роли каттадир. Жаҳон иқтисодиётида оилавий корхоналар бошқа корхоналарга нисбатан ривожланиш даражаси юқорилигини айтишимиз мумкин.

Мамлакатимизда ҳам иқтисодиётини ва аҳоли турмуш даражасини оширишда оилавий тадбиркорликни ривожлантириш муҳим ўрин тутди. Аҳолининг тадбиркорлик ташаббусларини молиявий қўллаб-қувватлаш, биринчидан маҳаллаларда оилавий тадбиркорлик муҳитини янада яхшилаш, ёшлар ва хотин-қизларни даромадли меҳнат билан банд қилиш борасидаги тадбирларни тизимли равишда давом эттириб келинмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари доирасида аҳолининг бизнес ташаббусларини қўллаб-қувватлашни янги босқичга олиб чиқишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-39-сон Қарорида оилавий тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш бўйича ишлар жадал давом эттирилиши кўрсатиб берилган (Қарор, 2023).

Сўнгги йилларда мамлакатимиз маҳалларида оилавий тадбиркорликни ривожлантиришни комплекс қўллаб-қувватлашнинг “узлуксиз занжирини” яратиш бўйича тизимли ишлар амалга ошириб келинмоқда.

Шу билан бирга, мамлакатимиз иқтисодиётининг янги технология ва инновацияларга асосланган, сифатли ҳамда рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқарувчи бўғинларидан бири бўлмиш оилавий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш инструментлари етарлича яратилмасдан қолмоқда.

Молия банк тизимида ресурсларнинг юқори фоиз ставкалари сақланиб қолаётган бир пайтда оилавий тадбиркорликка мўлжалланган дастурларда молиялаштиришнинг янгича ва муқобил инструментларини яратишга, хусусан оилавий тадбиркорлик дастурларига ажратилаётган имтиёзли кредитларнинг жорий қилиниши ушбу соҳани янада ривожлантиришга кенг йўл очиб бермоқда.

Кичик бизнесни молиявий қўллаб-қувватлаш тизимида асосий бўғинлардан бири бўлмиш оилавий тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат дастурларининг амалдаги ташкилий-ҳуқуқий шакли оилавий тадбиркорлик субъектларига етарлича ёрдам кўрсатиш, янги хизмат турларини жорий этиш, халқаро молия институтларидан тўғридан-тўғри маблағ жалб этиш имкониятини бермайди.

Шундан келиб чиққан ҳолда мамлакатимиз Президентининг охириги йиллардаги тадбиркорлар билан очиқ мулоқотида белгиланган вазифаларнинг ижросини

таъминлаш ҳамда оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари доирасида кредитлар ажратиш механизмини соддалаштириш, аҳолининг бандлигини ошириш, даромад манбаини кенгайтириш ва меҳнат фаолиятини қўллаб-қувватлаш мақсадида “Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари доирасида аҳолининг бизнес ташаббусларини молиялаштиришни такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-149-сонли қарори чиқди (Қарор, 2024). Ушбу қарорда мамлакатимиз аҳолисининг бандлигини таъминлаш ва даромадини ошишига қаратилган фаолиятини молиявий қўллаб-қувватлаш борасидаги тадбирларни тизимли равишда давом эттириш лозимлиги келтирилган. Бундан ташқари маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги ваколатли банклар билан ҳамкорликда 2024 йил 1 июлдан бошлаб ҳудудлардаги маҳаллаларда дастурлар доирасида ажратилган кредитлардан мақсадли фойдаланилиши мониторингини ва уларнинг самарадорлигини баҳолаш механизмини жорий этилиши, ҳамда унинг назорат қилиниши лозимлиги айтиб ўтилган.

Мамлакатимиз ҳудудларида оилавий тадбиркорликни ривожлантириш учун ажратиладиган кередитларни мавсумийлигини ўрганиш юқоридаги қарорларни ижросини таъминлашда хулоса ва таклифлар ишлаб чиқишда дастурил амал бўлади деб ҳисоблаймиз.

Адабиётлар шарҳи.

Кичик ва ўрта бизнеснинг оилавий тадбиркорлик соҳаси фаолиятини ривожлантиришнинг назарий – услубий асослари бўйича бир қатор хорижий ҳамда республикамиз олимлари илмий тадқиқот ишларини олиб боришган.

Жумладан Сэй (1985) томонидан “Бойликни яратиш, тақсимлаш ва истеъмол қилишнинг оддий схемаси” нашр этилган, унда ортиқча ишлаб чиқариш ва иқтисодий инқирозлар мумкин эмас деб тахмин қилинган. Ишлаб чиқариш даромад келтиради, бу эса тегишли қийматдаги товарларни сотиб олишга имконият яратади. Иқтисодиётдаги ялпи талаб ҳар доим ялпи таклифга тенг дея эътироф этилган.

Смит (1977) томонидан аҳоли турмуш даражасини ошиши, аҳолининг бойлиги моҳияти ва сабабларини ўрганган.

Валеслар (2013) тадбиркорликнинг илмий асосчиларидан бири бўлиб, у тадбиркорликни ривожланишнинг назарий асосларини ўрганган олимлардан бири бўлиб ҳисобланади.

Абулқосимов, Қулматовлар (2015) мамлакатимизда кичик ва ўрта бизнес соҳасида оилавий тадбиркорликнинг ўрни ва уни ривожлантириш йўллари ўрганган. Сайфуллаевлар (2020, 2023) томонидан КБХТ фаолиятини ривожлантиришнинг ижтимоий-иқтисодий жиҳатлари, соҳада мавжуд бўлган муаммолар ва улани бартараф этиш йўллари, кичик бизнес субъектларини қўллаб-қувватлаш механизмлари ўрганилган. Лекин оилавий тадбиркорликга ажратилган кредитларни мавсумийлигини ўрганиш бўйича илмий ишлар қилинмаган.

Тадқиқот методологияси.

Илмий мақолани тайёрлашда бир нечта тадқиқот методологиялари ва усулларидан фойдаланилган. Хусусан, илмий абстракция, ижтимоий-иқтисодий ҳодисаларни тизимли таҳлил қилиш, иқтисодий-статистик ва қиёсий таҳлил, динамик ва индекс таҳлил сингари усуллар кенг қўлланилган.

Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.

Оилавий тадбиркорликка ажратиладиган кредитларни мавсумийлигини ўрганиш лозим деб ҳисоблаймиз. Мавсумийлик деганда айрим ой ёки фаслларда кўп йиллик динамика қаторларида учрайдиган мунтазам равишда барқарор тебранишлар тушунилади.

Оилавий тадбиркорликга ажратилаётган кредитларни мавсумийлик индексини ҳисоблашда индекс динамика қаторининг бошланғич (эмпирик) маълумотлари асосида ҳисобланган ҳадларни (Y_i) назарий ҳадга (\bar{Y}) нисбати орқали ҳисобланиб, у қуйидаги формула билан аниқланади:

$$J_M = \frac{Y_i}{\bar{Y}} \cdot 100$$

бунда: J_M – мавсумийлик индекси; Y_i – ойлик бошланғич маълумот; \bar{Y} – ўртача ойлик даража, яъни, у қуйидаги формула ёрдамида аниқланади:

$$\bar{Y} = \frac{\sum_{i=1}^n Y_i}{n}$$

Ўзбекистон Республикасида оилавий тадбиркорликга ажратилган кредитларни динамикасини 6 йиллигини таҳлил қилиб чиқамиз.

1-жадвалда Ўзбекистон Республикасида оилавий тадбиркорликга ажратилган кредитлар бўйича келтирилган маълумотлар асосида ҳар бир ой учун ўртача даражани ҳисоблашда қуйидаги формуладан фойдаланишимиз мумкин (\bar{Y}_i):

$$\bar{Y} = \frac{\sum_{i=1}^n Y_i}{n}$$

$$\text{Январь учун } \bar{Y} = \frac{\sum_{i=1}^n Y_i}{n} = \frac{11,2 + 75,7 + 113,3 + 157,7 + 83,9 + 55,0}{6} = \frac{496,9}{6} = 82,8 \text{ млрд.сўм. ва ҳ.к.}$$

1-жадвал

Ўзбекистон Республикасида оилавий тадбиркорликга ажратилган кредитлар, млрд.сўм²¹⁵

Ойлар	Йиллар					
	2018	2019	2020	2021	2022	2023
Январь	11,2	75,7	113,3	157,7	83,9	55,0
Февраль	101,9	83	125,3	506,0	351,9	433,7
Март	45,1	209	336,8	1 243,0	861,8	1 108,4
Апрель	70	101,5	470,7	1 680,6	1 101,9	1 104,7
Май	75,2	109	706,1	1 267,4	918,7	1 496,4
Июнь	53	76,9	1176,8	837,8	1 089,2	996,6
Июль	68,3	73	884,6	516,6	707,3	840,2
Август	71,7	68,3	686,4	526,1	1 229,4	812,7
Сентябрь	56,1	71,7	532,2	576,4	863,1	704,0
Октябрь	54,4	81,7	326,5	419,9	937,4	887,4
Ноябрь	25,5	89,4	322,5	346,2	919,2	758,0
Декабрь	36,1	97	397,4	488,6	829,5	667,2
Жами	668,5	1136,2	6078,6	8566,3	9893,3	9864,3
Ўртача	55,7	94,7	506,6	713,9	824,4	822,0

Юқоридаги статистик маълумотлардан фойдаланиб, барча ойлар учун биргаликда ўртача ойлик даражани қуйидаги формула орқали ҳисоблаймиз:

$$\bar{Y} = \frac{\sum_{i=1}^n Y_i}{72} \quad \text{ёки} \quad \bar{Y} = \frac{\sum_{i=1}^n \bar{Y}_i}{12}$$

²¹⁵ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки маълумотлари асосида муаллифлар ҳисоб-китоблари.

2-жадвал

Мавсумийлик индексини ҳисоблаш²¹⁶

Ойлар	Олти йиллик ($\sum Y_i$)	Олти йиллик ўртача ($\bar{Y}_i = \sum Y_i : n$)	Мавсумийлик индекси,% ($J_m = \bar{Y}_i : Y$)
Январь	496,9	82,8	16,5
Февраль	1 601,8	267,0	53,1
Март	3 804,0	634,0	126,1
Апрель	4 529,4	754,9	150,1
Май	4 572,8	762,1	151,6
Июнь	4 230,3	705,1	140,2
Июль	3 089,9	515,0	102,4
Август	3 394,6	565,8	112,5
Сентябрь	2 803,5	467,2	92,9
Октябрь	2 707,4	451,2	89,7
Ноябрь	2 460,8	410,1	81,6
Декабрь	2 515,9	419,3	83,4
Жами	36207,3	502,9	100,0

Юқоридаги келтирилган малумотлар асосида ҳисоблаб чиқамиз:

$$1. \bar{Y} = \frac{\sum_{i=1}^n Y_i}{36} = \frac{36207,3}{72} = 502,9 \text{ млрд.сўм}$$

$$2. \bar{Y} = \frac{\sum_{i=1}^n \bar{Y}_i}{12} = \frac{82,8 + 267,0 + 634,0 + 754,9 + 762,1 + 705,1 + 515,0 + 565,8 + 467,2 + 451,2 + 410,1 + 419,3}{12} = \frac{6034,5}{12} = 502,9 \text{ млрд.сўм.}$$

Ўртача мавсумийлик индекси. Ҳар бир йил учун алоҳида мавсумийлик индекслари қуйидагича амалга оширилади ва ҳисобланади. Масалан, 2023 йил учун: январь $J_m = (55,0 : 822,0) \cdot 100 = 6,7\%$; февраль $J_m = (433,7 : 822,0) \cdot 100 = 52,8 \%$ ва ҳ.к. (3-жадвал).

3-жадвал

Ўзбекистон Республикасида оилавий тадбиркорликга ажратилган кредитларнинг ўртача мавсумийлик индекси ҳисоблаш жадвали²¹⁷


Ойлар	Йиллар бўйича мавсумийлик индекслари, %						Ўртача мавсумийлик индекси, %
	2018	2019	2020	2021	2022	2023	
Январь	20,1	80,0	22,4	22,1	10,2	6,7	16,5
Февраль	182,9	87,7	24,7	70,9	42,7	52,8	53,1
Март	81,0	220,7	66,5	174,1	104,5	134,8	126,1
Апрель	125,7	107,2	92,9	235,4	133,7	134,4	150,1
Май	135,0	115,1	139,4	177,5	111,4	182,0	151,6
Июнь	95,1	81,2	232,3	117,4	132,1	121,2	140,2
Июль	122,6	77,1	174,6	72,4	85,8	102,2	102,4
Август	128,7	72,1	135,5	73,7	149,1	98,9	112,5
Сентябрь	100,7	75,7	105,1	80,7	104,7	85,6	92,9
Октябрь	97,7	86,3	64,5	58,8	113,7	108,0	89,7
Ноябрь	45,8	94,4	63,7	48,5	111,5	92,2	81,6
Декабрь	64,8	102,4	78,5	68,5	100,6	81,2	83,4

Ўрганилаётган даврда март, апрел, май ва июн ойларида оилавий тадбиркорликга ажратилаётган кереди́тлар юқорилигини кўришимиз мумкин. Яъни мавсумийлик индекси ушбу ойларда мос равишда 126,1, 150,1, 151,6 ва 140,2 фоизларни ташкил

²¹⁶ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки маълумотлари асосида муаллифлар ҳисоб-китоблари.

²¹⁷ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки маълумотлари асосида муаллифлар ҳисоб-китоблари.

қилиб, энг юқори ойларга тўғри келмоқда. Январ феврал ойлари эса энг паст эканлигини кўрсатмоқда (1-расм).



1-расм. Ўзбекистон Республикасида оилавий тадбиркорликга ажратилган кредитларнинг 2018-2023 йилларда ўртача мавсумийлик индекси, %да²¹⁸

Хулоса ва таклифлар.

Мамлакатимизда оилавий тадбиркорликни молиявий қўллаб-қувватлаш учун ажратилган кредитларни ойлар бўйича тақсимланиш жараёнида, фикримизча, қуйидаги дастаклардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз:

- оилавий тадбиркорликни молиявий қўллаб-қувватлашда кредитларни ойлар кесимида тенг тақсимлашни камайиб бориш тенденциясида амалга оширилса мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

- агар йилнинг бошида оилавий тадбиркорликни молиявий қўллаб-қувватлашда кредитларни кўпроқ ажратилса, йилнинг охиригача натижадорлиги юқори бўлади.

Оилавий тадбиркорлик бугунги кунда жаҳон иқтисодиётида балки мамлакатимизда ҳам аҳоли турмуш даражасини оширишда ва аҳолини иш билан бандлигини оширишда энг муҳим соҳалардан бири бўлиб келмоқда. Шундай экан, юқоридаги мавсумийлик индексларини ҳисоблашдан шундай хулосага келишимиз мумкинки, ҳар йили 1-чорақда ажратилган кредитлар миқдори қолган чорақларга нисбатан анча пастлигидан долат бермоқда. Бизнинг фикримизча ушбу жараённи тескари, яъни 1-чорақда ажратилаётган кредитлар миқдорини кўпайтиришимиз лозим деб ҳисоблаймиз.

Адабиётлар / Литература / Reference:

Sayfullayev S.N. (2020) Statistical analysis of the status and development of small entrepreneurship in Uzbekistan //SAARJ Journal on Banking & Insurance Research. – Т. 9. – №. 4. – С. 91-96. https://scholar.google.com/citations?view_op=view_citation&hl=ru&user=-6eluLQAAAAJ&citation_for_view=-6eluLQAAAAJ:u-x6o8ySG0sC

Vales W.J. (2013) Empirical research on entrepreneurial orientation: An assessment and suggestions for future research / W.J. Wales, V.K. Gupta, F.T. Mousa // International Small Business Journal. - №31(4). – P. 357-383.

²¹⁸ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки маълумотлари асосида муаллифлар ҳисоб-китоблари.

Абулқосимов Ҳ.П., Қулматов А.А. (2015) Ўзбекистонда кичик бизнес соҳасида оилавий тадбиркорликнинг ўрни ва уни ривожлантириш йўллари. Монография. – Т.: Университет, – 126 б.

Қарор (2023) Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари доирасида аҳолининг бизнес ташаббусларини қўллаб-қувватлашни янги босқичга олиб чиқишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-39-сон Қарори. Тошкент ш., 2023 йил 31 январь.

Қарор (2024) Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари доирасида аҳолининг бизнес ташаббусларини молиялаштиришни такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-149-сонли Қарори. Тошкент ш., 2024 йил 2 апрель.

Сайфуллаев С.Н. (2023) Худудларни инновацион ривожланишида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини panel таҳлили асосида эконометрик моделлаштириш. “Молия” илмий журналы, 2-сон. https://scholar.google.com/citations?view_op=view_citation&hl=ru&user=-6eluLQAAAAJ&citation_for_view=-6eluLQAAAAJ:5nxA0vEk-isC

Смит А. (1977) Исследование о природе и причинах богатства народов. Т.1. – М.: Ось, – 480 с.

Сэй Ж.Б. (1985) Трактаты политической экономии. – М.: Экономика. – 55 с.